# БУНИ ҲАЁТ ДЕЙДИЛАР...

## ВЕЛОСИПЕДНИ ИЗЛАБ...

***Аббос касал отасининг ҳолидан хабар олгани шифохонага бориш учун қўшнисининг велосипедини олиб турди. Негаки, ўн беш чақирим йўл босиб туман марказига боришнинг ўзи бўлмайди-да. Олдинлари кунига икки бор келадиган автобус эса мана ярим йилдирки, қатнамай қўйган. Беморнинг укол-дорисига зўрға етиб турган пул таксига ортармиди.***

Хуллас, қўшнисининг велосипедини миниб ярим соатда шифохонага келди. Отаси-ку бироз соғайиб қолибди.

-Мана бу укол-дориларни олиб кел ёки пулини ташлаб кет, - деди отаси. Аббос отасига айтилган пулни эртага гуручни сотиб олиб келадиган бўлди. Хайрлашиб шифохонадан чиқиб қараса, шундоқ эшик олдида турган велосипед йўқ эди. Ярим соат у ёқ-бу ёқни қаради, учраган кишидан суриштирдики, велосипеддан дарак бўлмади. Отасига олиб келадиган пулу, қўшнисининг ўғирлатиб қўйган велосипедини ўйлаб маҳзун кайфиятда, шу яқин орадаги дўстиникига бориб бир пас дам олишни маъқул топди.

-Кел Аббос, - қарши олди дўстининг онаси, - ҳозиргина Жумёз жўранг бозордан келиб боғ томон ўтувди, ўзинг боракол ёнига.

Аббос уй ичидан ўтиб, боғ тарафга чиққанди, Жумёз велосипед ғилдирагини ечиб олаётган экан. Саломлашиш учун бундоқ ёнига бориб кўрсаки, бироз олдин касалхонага ўзи миниб келган велосипеди турибди...

## ШОГИРДЛАР УСТАДАН НОРОЗИ

***Матчонбой моҳир ҳунарманд уста бўлса-да, буюртмачилар кўп бўлишига қарамай уйда ишсиз ўтирибди. Сабаби, шогирдлари у билан ишлашни хоҳламай қўйишди.***

-Қарийб беш йил унга шогирд бўлиб, алданиб юрганимни энди билдим, - дейди Меливой. – Уста кимнинг уйида ишласак, олдиндан бизларга сездирмай анча пул олар, ишни битказиб, хонадон эгаси берган пулни эса ҳаммага тенг улашарди. Биз шогирдлар уста ҳақи дея ҳар биримиз Матчон акага яна ўз улушимиздан берардик. У доимо хонадон эгасига, шогирдларим мендан қарздор, шу боис келишган пулнинг чорагини олдиндан уларга айтмай беринг деркан.

-Мен ҳам икки йил алданиб юрибман, - дея Мелининг гапига қўшилди Нормат. – Яқинда қудамиз Райим аканикида ишлаганимизда, у устангдан нега қарз олдинг, Матчон шогирдларимнинг қарзи бор, дея олдиндан пул олди, деб қолди. Тўрттала шогирд ҳайронмиз. Кейин суриштирсак, у 25 минг сўмни олдиндан олиб, 75 минг сўмга уйни сувоқ қилишга келишдик, деб бизларни лақиллатган экан. Шундан бошлаб уста билан ишлашдан воз кечдик.

Ҳа, Матчонбой қўли гул ҳунарманд бўлса-да, нафси панд бериб, шогирдлар назаридан қолди.

**Умид БЕКМУҲАММАД**

## АЁЛ САДОҚАТИ

***Ўшанда Ҳакимжоннинг тўйига бор-йўғи икки кун қолганди. Тўйнинг ҳамма асбоб-анжомлари тахт қилинган. Ҳакимжон ўшанда ўзини дунёдаги энг бахтли инсондек ҳис этар, гўёки осмону фалакда учиб юрарди.***

Бироқ, фалокат қош билан қовоқ ўртасида деб шуни айтишса керак, қўшни қишлоқдан мотоциклда яқин танишини тўйга айтгани келаётган Ҳакимжон ширин хаёллари қучоғида сузиб, рул хиёл чапга бурилганию йўл четидаги симёғочга урилиб, яна олти-етти қадам орқага бориб тушганини сезмай қолди. У реанимация бўлимида ҳушига келди. Кўзини очган чоғда ўзининг қуюқ зулмат бағрида эканини англади. У... кўриш қобилиятидан тамоман маҳрум бўлганди.

Нохуш ҳодисадан барчанинг эс-ҳуши бошидан учди. Тўй эгалари ҳам мусибатдан бошларини чангаллаб қолдилар. Айниқса, келин томоннинг боши қотиб қолди: нима қилиш керак? Наҳотки энди гулдек қизлари умрбод кўзлари ожиз эр билан яшайди.

Бироқ келин бўлмиш Нафиса узил-кесил фикрини айтди:

-Илож қанча. Тақдир шуни раво кўрган экан. Тўйни тўхтатмайлик. Ҳаммасини пешонамдан кўрдим.

Қиз ўзи тақдирга тан бериб тургач, ота-онанинг иккиланиши ҳам узоққа бормади. Тўй уч-тўрт кун кеч бўлса-да ўтди. Кўзлари ожиз куёв янгалар етовида ўн тўрт кунлик ойдек балқиб турган келин ўтирган чимилдиққа кирди.

Улар оз эмас-кўп эмас, қирқ йилдан зиёд бахтли умр кечиришди. Ота-она бўлиб беш фарзандини оқ ювиб-оқ тараб вояга етказишди, уйли-жойли қилишди. Нафиса ая ўз умрини кўнгли ярим эрига бахшида қилди. Ҳакимжон ота дунёдан ўтар чоғида ҳам кампирининг қўлида рози-ризолик тилаб омонатини топширди.

Нафиса ая ҳали ҳаёт. Фарзандлари, невара-чеваралари ардоғида пиру бадавлат ҳаёт кечирмоқда. Унинг мардлиги, қатъияти, садоқатидан ҳар қанча ибрат олса арзийди.

**Рустам БЕК**

## «ЭГРИГИНА ҚЎЛИМ...»

***Асад бир неча ой ширкат хўжалигида трактор ҳайдаб юрди. Лекин бу иши ўзига ёқмасди. Қачонгача мойга ботиб юраман ўйлади у. Бунинг устига ёлчитиб маош ҳам беришмаса. Ёш бўлса, ўйнаб-кулиши учун мўмай пул керак. Чўнтак тўлиб турса яхши-да.***

Асад шу мақсадда олдинги ишини ташлаб ҳамқишлоғи уста Самад акага шогирд тутинди. Улар, яъни уста-шогирд янги уйларнинг томини ёпиш, эшик-дераза қуриш каби юмушларни қилиб юришди. Бугун ҳам қўшни қишлоқдаги уйнинг ишини якунлашди. Анчагинага келишишган. Ишни битказгач, хизмат ҳақини олишди.

-Чарчоқ ёзди қилмаймизми? –таклиф қилди йўл четидаги дўкончa ёнига келгач Самад ака.

-Сиз нима десангиз шу, - қўшилди шогирд.

Дўкондан "яримта"ни йиқитиб чиққан устоз-шогирд йўл-йўлакай у ёқ-бу ёқдан гурунглашиб кетишди. Асад устозининг кийимлари солинган тугунни кўтариб олган эди. Йўлда Асадни шайтон йўлдан урди...

Эртасига Асаднинг уйига Самад ака кириб келди. Кеча кийимлари ичига солиб қўйган пули йўқлигини айтиб, йўлда тушиб қолдимикин, дея ўсмоқчилаб сўради. Гумони Асаддан бўлса-да, буни далиллай олмасди. Асад эса ҳеч нарса билмагандек тураверди. Устозини чув туширган эди. Лекин уста шу кундан бошлаб ўзига бошқа шогирд қидиришга тушди.

**Дилноза ҚУРБОНОВА**

# АСКАРИ КУЧЛИ ХАЛҚ ҚУДРАТЛИ БЎЛУР!

(Боши 1-бетда)

Таъкидлаш жоизки, СЧРда хизмат бир томондан чақирилувчи, унинг молиявий лаёқатини кафолатлайдиган кафил ҳамда иккинчи томондан туман (шаҳар) мудофаа ишлари бўлими воситасида Мудофаа вазирлиги ўртасида шартнома шаклида расмийлаштирилади. Тарихимизда биринчи марта чақирилувчи ва давлат тенг ҳамкор деб ҳисобланади, улар муайян мажбуриятларни ўз зиммасига олади, улар ўртасидаги барча баҳслар суд орқали ҳал қилинади. Дарвоқе, чақирилувчига нафақат ота-онаси ёки бошқа қариндошлари, балки юридик шахслар, турли корхона ва хусусий фирмалар кафил бўлиши мумкин.

Бир йилдан сўнг, табиийки, пул бадалини тўлиқ тўлагандан сўнг СЧРда хизмат қилаётган ўсмир муддатли ҳарбий хизматни ўтаган тенгдоши каби ҳарбий гувоҳнома олади. Яъни, агар тегишли ҳарбий-ўқув мутахассисликка эга бўлса, у Қуролли Кучларда шартнома асосида хизмат қилиши, олий ҳарбий билим юртларида ўқиши, солиқ, божхона органлари, милицияда, бошқа давлат муассаса ва ташкилотларида ишлаши, чет элга хизмат сафарига бориши мумкин.

Албатта, шартнома имзолангандан кейин ҳам у ишлаши, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши, ота-онасини боқиши, маълумотини ошириши мумкин.

СЧРга қўшилган ўсмир ҳаётидаги яна бир муҳим жиҳатни эслатиб ўтамиз. Сир эмаски, «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги янги Қонун қабул қилингунча ўз вақтида муддатли ҳарбий хизматга чақирилмаган ҳар бир ўсмир 27 ёшигача доимий расмиятчилик амалларини ўташга мажбур эди.

СЧРда бундай бўлмайди - белгиланган бадални тўлагач, чақирилувчи мудофаа ишлари бўлимига фақат ойлик йиғинни ўташ ёки ҳақиқатда фавқулодда вазиятда чақирилади.

СЧРда хизмат муддатли ҳарбий хизматни ўташ каби муҳим иш эканлигини инобатга олиб, давлат Ўзбекистон халқи, маҳаллий ҳокимият, корхона ва ташкилотлар вакиллари уни ўтаётганларга муддатли ҳарбий хизмат аскарлариникидан кам бўлмаган эътибор қаратишига умид қилади.

СЧРда хизмат афзалликларини ёшлар ва уларнинг ота-оналари қандай баҳоламоқда? Биз кўп бор улар билан бевосита мудофаа ишлари бўлимларида суҳбатлашганмиз ва СЧРда хизмат кўпчиликка маъқул келмоқда.

Тошкент шаҳри Мирзо Улуғбек тумани МИБда бир қанча ўсмирлар ва уларнинг ота-оналари билан суҳбатлашдим.

Чақирилувчи Умид Ҳайдаровнинг касби радиоустачилик, у СЧРга Мирзо Улуғбек тумани МИБ томонидан юборилгач, зарур пул бадалини шу заҳоти тўлашга қарор қилди.

- Менга шуниси қулай,- дейди Умид. - Ростини айтганда, мен анчадан бери ИИВ тизимида ишлашни орзу қиламан, аммо менинг ёшимда муддатли ҳарбий хизматни ўташ унча тўғри келмайди шекилли... Яхшиси, сафарбар чақириқ резервида хизматни ўтайман.

Унинг онаси Нортожи Йўлдошева ўғлини мақтаб чарчамайди.

- У 12 ёшидан бошлаб ишлайди. Ўғлимиз битта ва у билан ажралиш оғир. Бир йилдан кейин ҳарбий билетни олади, сержантларни тайёрлаш мактабини тугатгач, шартнома бўйича ҳарбий хизматга ишга киради. Биз унгача келин топиб қўямиз...

Милиция фахрийси Эргаш Ашурбоев муддатли ҳарбий хизматга уч нафар ўғлини юборган. Тўртинчиси Улуғбекни чақириқ комиссияси СЧРга тайинлади.

- Албатта, Улуғбек оилавий анъанани давом эттириб қўшинларда хизмат қилишини истардик,- дейди Эргаш ака. - Аммо янги замонда хизматнинг янги турлари ҳам пайдо бўлади. СЧРда хизматни ўташ шартлари бизга маъқул ва уч-тўрт кун ичида мудофаа ишлари бўлими билан шартнома тузиш учун керакли маблағни топамиз.

Денис Огневнинг онаси Любовь Дружинина учун ўғлининг СЧРга тайинланиши - катта енгиллик. Ўғли ёнида бўлгани яхшироқ, иш жойи ҳам ёмон эмас.

- Тўғри, пулни тўлаш осон бўлмайди, лекин бир йилда тўплаб берамиз,- деди у.

Яқинда Тошкентга кўчиб келган сурхондарёлик Мурод Маҳмудов хурсандчилигини ичига яшира олмаяпти:

- Сафарбар чақириқ резервида хизмат менга тўғри келади. Менинг режаларим катта, институтга кирмоқчиман. Агар давлатга ҳам хизмат қилиш, ўз муаммоларимни ҳам ечиш имконияти бўлса, бунинг учун давлатимизга раҳмат айтиш керак.

Мирзо Улуғбек тумани чақириқ комиссияси раиси, туман ҳокими ўринбосари С.Аҳмедовнинг таъкидлашича, «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Қонунни чақириқдагилар ва ота-оналарга тушунтириш бўйича маҳалла фаоллари олиб борган тушунтириш ишлари самарали бўлмоқда.

**Т.БОТИРБЕКОВ,**
**ЎзА мухбири.**

# ИЗЛАНГАНГА ИМКОНИЯТ

**КЎРГАЗМА**

***Республикамиз иқтисодиётининг ҳар томонлама ривож топишида, шунингдек, юртимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг хорижга экспорт қилинишида Европа Тикланиш ва Тараққиёт банкининг ўрни бекиёс. Жорий йилнинг 3-4 май кунлари "Ўзэкспомарказ" кўргазмалар залида ўнлаб қўшма корхоналар ва хусусий фирмалар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар кўргазмаси бўлиб ўтади.***

Кўргазмада ҳар ким ўз маҳсулотининг қанчалик сифатли, харидоргир, бежирим ва энг муҳими рақобатбардошлигини синаб кўради.

-Рақобат – тараққиёт гаровидир, - дейди "Ўзэкспомарказ" ахборот бўлими бошлиғи Асия Альмяшева. – Шу боис кўргазмада қатнашаётган ҳар бир ишлаб чиқарувчи ўз маҳсулотининг бозоргир бўлишини хоҳлайди. Маҳсулотини харидор дидига мослаб ишлаб чиқаради. Қачонки, мижоз ундан мамнун бўлсагина, маҳсулоти ерда қолмайди. Янги-янги имкониятлар туғилаверади. Буни улар яхши билишади.

Бўлим бошлиғининг айтишича, бугун "Ўзэкспомарказ" кўргазмалар залида кенг таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. Дунёнинг турли чеккаларидан келган ишбилармон ва тадбиркорлар ўзбекнинг енгил машинасидан тортиб, то озиқ-овқат саноати корхоналарида ишлаб чиқарилган маҳсулотларигача кўздан кечиришади. Мазкур кўргазма иштирок этаётган корхоналар фаолиятининг келгусидаги ишларига том маънода катта ўзгаришлар олиб кирса ажабмас.

**Беҳзод ҲОТАМОВ**

***Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг ҳайъат йиғилиши бўлиб ўтди. Уни Бош вазир ўринбосари, Агросаноат комплекси раҳбари, қишлоқ ва сув хўжалиги вазири Носиржон Юсупов бошқарди.***

# ҲАЙЪАТ ЙИҒИЛИШИ

Йиғилишда жорий йилнинг биринчи чорагида вазирлик тизимидаги корхона, ташкилотларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва Президентимизнинг шу йил 24 мартдаги "Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида"ги Фармонидан келиб чиқадиган вазифалар, тизимга чет эл сармоясини киритиш, илм-фан ютуқларини амалиётга жорий этиш, тармоқни ривожлантириш лойиҳаларига ажратилган грантлардан унумли фойдаланиш, қўшма корхоналарни ташкил этиш борасидаги ишлар кўриб чиқилди.

Йиғилиш сўнггида кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Абдунаби АЛИҚУЛОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

# ХАРАЖАТ КАМАЙСА, ТЎЙ КЎПАЯДИ

(Боши 1-бетда)

Бу эса тўйларни назорат қилиш, осойишталикни таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Тўй ва бошқа маросимларни камчиқим ва ихчам тартибда ўтказиш йўлга қўйилганлиги бир қанча яхши тадбирларни юзага чиқариш имкониятини бермоқда. Шаҳардаги мавжуд 7 та маҳаллада ихтиёрий равишда "Маҳалла жамғармаси" ташкил этилди. Бу хайрия жамғармасига шаҳардаги 3421 хонадон ҳар ойда қурби етганича ихтиёрий бадал тўлаб бормоқда. Йиғилган маблағ иқтисодий ночор бўлган оилаларга моддий ёрдам тариқасида бериляпти. Зарур бўлганда тўй ва бошқа маросим қилганларга ҳам шу жамғармадан маблағ ажратилмоқда.

Ҳозирча маҳалла жамғармаси томонидан ажратилаётган маблағлар унчалик салмоқли эмас. Лекин маҳалла аҳлини янада жипслашувида, ҳар бир шаҳар фуқароси ёнида суянган тоғи – маҳалладошлари борлигини доимо ҳис қилиб туришида бу тадбирнинг аҳамияти беқиёс бўлмоқда.

Ана шундай ибратли ишларни бошлаган шаҳар аҳлини бир муаммо ўйлантириб турибди. Қуда-андачилик, қариндош-уруғчилик ришталари бошқа шаҳар ва туманлар билан туташган. Табиийки, уларнинг янги тартибни қабул қилиши у қадар осон кечмайди. Яқинда суннат тўйи қилаётган хонадонга қўшни туманлик қуда эски урф бўйича сўқим ташлаб кетибди. Бундан хабар топган маҳалла оқсоқоли ўша заҳоти сўқимни эгасига қайтартириб юборди. Яна бир воқеа. Ҳамза шаҳарчасидан келин олаётган қўшни шаҳарлик қудалар келиннинг европача усулда кийинишини талаб қилишибди. Шаҳар фаоллари янги қуда билан тушунтириш ишларини олиб боришди ва келинни миллий либосда куёв хонадонига кузатишди.

Бундан олтиариқликларнинг тўйларни бир меъёрда ўтказиш борасида бошлаган хайрли ишларини бошқа жойларда ҳам жорий қилиш лозиммасмикин, деган ҳақли ва фойдали савол туғилади. Бошқа вилоят ва шаҳарлардаги маҳаллалар фаоллари ҳамда оқсоқоллар кенгаши бу хусусда яхшилаб ўйлаб кўрсалар, чакки бўлмасди.

**Мўйдинжон СОБИТОВ,**
**журналист.**



**Самарқанд шаҳридаги "Усто" бирлашмаси 310 нафар самарқандлик, навоийлик, қашқадарёлик, сурхондарёлик, бухоролик ва жиззахлик халқ усталарини бирлаштирган.**

**Ёғоч ўймакор уста Насрулло Соҳибназаров, ганчкор Сайдулла Мирзаев, кулол Худойберди Ҳақбердиев ва Нўъмон Облоқулов, мармартош ўймакори Жўрахон Маллахўжаевлар яратган бетакрор санъат намуналари Самарқандга ташриф буюрган жаҳон сайёҳларини ҳайратга солмоқда.**

**Ўтган йилнинг охирида Канаданинг Торонто, Ниагара, Оттава, Монреал шаҳарларида бўлиб ўтган жаҳон санъати еттинчи фестивалида самарқандлик усталар ҳам қатнашиб, фахрли ўринларни эгаллашди.**

**СУРАТЛАРДА: 1. Уста кулол Худойберди Ҳақбердиев. 2. Халқ усталарининг ижод намунаси. 3.Зардўз Шаҳло Иноятова.**

Т.НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган суратлар.

**БОЖХОНА**

# БОЙЛИКЛАР ЮРТИМИЗДА ҚОЛДИ

***Яқинда Наманган вилояти 2-сонли "Косонсой" божхона маскани ходимлари ИИБ ва МХХ ходимлари билан ҳамкорликда республикамиз фуқароси Косонсой тумани, "Ободон" ширкат хўжалигида раис ўринбосари лавозимида ишловчи Иброҳим Усмоновнинг ноқонуний ҳаракатларига чек қўйишди.***

Мазкур шахс "ЗИЛ-138 А" русумли автоуловга 2375 кг чигитли пахтани юклаб, ҳеч қандай ҳужжатсиз "Ободон" ширкат хўжалиги ҳудудидаги дала йўли орқали Қирғизистонга сотиш мақсадида олиб чиқиб кетаётганида тўхтатилди. Олиб борилган дастлабки суриштирувлар натижасида, ушбу пахталарни Поп тумани "Найман" ширкат хўжалигига қарашли пахта пунктидан шу туманнинг Найман қишлоғида яшовчи фуқаро Ҳошимжон Исмоилов ўғринча йўллар билан олиб чиққанлиги аниқланди. И.Усмонов эса ушбу маҳсулотларни Ҳ.Исмоиловдан олганлиги ва Қирғизистон Республикасига ноқонуний олиб чиқиб кетаётганлиги маълум бўлди.

Шунингдек, Андижон вилояти божхона бошқармасининг Контрабанда бўлимига қарашли 18-сонли "Ҳаракатдаги" божхона пости ходимлари томонидан Жалолқудуқ тумани "Ёрқишлоқ" қишлоғи ҳудудидаги айланма йўлда юртимиздан ноқонуний йўллар билан кўп миқдордаги пилла маҳсулотини олиб ўтишга уринган учарнинг ҳаракатларига чек қўйилди.

Республикамиз фуқароси «тадбиркор» Насиба Абдураҳмоновага тегишли нархи 10 миллион сўмдан зиёд 8 тонна 478 кг "навсиз пилла" маҳсулоти суриштирув натижаларига кўра аслида қовзоқ (струна) тайёрлаб бериш мақсадида ушбу тадбиркор томонидан Наманган вилоятида жойлашган кўп тармоқли "Мерос-96" фирмасидан қабул қилиб олинган экан. Аммо, ушбу хомашёлар бу мақсадда эмас, балки Қирғизистон Республикасига чиқариб пуллашни кўзлаб, юртимиздан олиб кетилаётган чоғда божхона ходимлари томонидан далилий ашё сифатида ушлаб қолинди.

Ушбу ҳолатлар бўйича жиноят ишлари қўзғатилиб, тергов ишлари олиб борилмоқда.

**Нурбек САЛОМОВ**

# "ЎРГУЛСИН" ОПА

***-Хуш келибсиз, опангиз ўргулсин, - дея бизга пешвоз чиқди Хумор опа.***

Ёпирай, опанинг чеҳраси, феълатвори худди тасаввур қилганимиздек экан. Суҳбат асносида ҳаёт синовлари опани обдон пишитганини сездик. Иноқлик, тотувлик, самимият, меҳр-оқибат ҳақидаги гурунгни тинглаш мароқли туюлаверди.

-56 ёшни қаршилаяпман, - деди опа бошидан кечирганлари ҳақида гапиришга тушаркан. – Эсимни таниганимдан буён бошимдан рўмол, оёғимдан этик тушгани йўқ. 16 ёшимдан буён халқ орасидаман. Оилада 4 қиз, уч ўғилнинг орасида зийракроқ ўсган эканманми, ўрта мактабни тугатар-тугатмас хўжаликда пахта бўйича табелчилик қилиш зиммамга тушди.

Йигирма йилдан бери Ғиждувон туманидаги "Ғавшун" маҳалла фуқаролар йиғини раисиман. Одам топгунимизча икки ой ишлаб берасан, дейишувди. Мана шунча йилдан буён ўша одам топилмаяпти, - дея мулойим жилмаяди суҳбатдошимиз.

Фуқаролар йиғини таркибида учта маҳалла бор. Уларда 3670 та оила мавжуд. Жами 16100 аҳоли истиқомат қилади. Мавжуд 18 та қишлоқ кўчаларининг тоза-озодалигига ҳавасингиз келади. "Ғавшун" фуқаролар йиғини ҳудудида 5 та мактаб, 7 та давлат таъминотидаги боғча, боз 6 та ҳакимлик пункти, 50 дан зиёд маиший, 70 га яқин савдо шохобчалари, бахт уйи фаолият кўрсатмоқда.

Опа касб-ҳунарга интилувчи ёшларни яхши кўради. Ўн йил аввал ана шундай 20 нафар қиз-жувонларни ўқишга юбориб, бичиш-тикиш сир-асрорларини ўрганиб қайтишларига моддий жиҳатдан кўмаклашди. Цех очиб кўп ёшларни иш билан таъминлади. Шу йиллар мобайнида опанинг ташаббуси билан 50 гектар майдонда боғ барпо қилинди.

**2003 ЙИЛ - "ОБОД МАҲАЛЛА ЙИЛИ"**

"Ғавшун"да зардўзлик момомерос ҳисобланади. Роппа-роса 200 оила ана шу нозик касб орқасидан рўзғор тебратишади. 100 хонадон эгалари эса асаларичилик билан машғул.

"Ғавшун" фуқаролар йиғини ҳузуридаги "Ёшларни турмушга тайёрлаш маркази"нинг иши ҳам диққатга сазовор. Балоғат ёшига етаётган йигит-қизларга керакли маслаҳатлар беришда марказ ходимларининг ўрни бор. Кам таъминланган оилаларга кўмаклашиш, болалар спортини ривожлантириш учун маҳаллақўйларда тарғибот-ташвиқот ишлари билан куннинг қандай ўтгани ҳам сезилмайди.

Тадбирларни, маъракаларни ўтказишда опа "Ғавшун" тадбиркорларига суянади. Неъмат Қудратов, Жонпўлат Абдуллаев, Раҳмат Ҳамроев, Ҳиммат Ўринова, Асрор Сафоевлар Хумор опанинг ишонган тоғлари. Опанинг бир оғиз ширин сўзини эшитишга ҳозиру нозир туришади.

"Эл-юрт ҳурмати" ордени соҳиби Хумор Ҳамроеванинг "Обод маҳалла йили"да амалга оширадиган эзгу ишлари ҳали кўп. Ҳаракатда баракат, дейишади. "Ўргулсин опа"га фақат омад ёр бўлсин.

**Дилмурод ЖАББОРОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

# ПИЛЛАЧИ МАОШИНИ ҚАЧОН ОЛАДИ?

(Боши 1-бетда)

Ширкат хўжаликлари раҳбарлари ва бош ҳисобчилари пиллакорларнинг ҳақли талабларига муттасил равишда иш ҳақини тўлаш имконияти йўқлигини рўкач қилиб, рад жавобини беришаверган. Қонун йўли билан сотилган маҳсулот пулини ундириш чораларини эса аксар ҳолларда кўришмаган. Оқибатда қишлоқ хўжалиги йилининг илк ҳосили – етиштирган пилласи учун ҳақ ололмай бечора пиллакорлар овораи сарсон бўлишаётир.

Ҳамид Олимжон номли ширкат хўжалиги 3 миллион 354 минг 930 сўм, "Ўзбекистон" ширкат хўжалиги 5 миллион 197 минг 600 сўм, "Пешкўрғон" ширкат хўжалиги эса 6 миллион 243 минг 903 сўмлик пиллани "Чортоқ туман бош пиллахонаси" очиқ турдаги акциядорлик жамиятига сотган. Хўжаликлар ва акциядорлик жамияти ўртасидаги 2002 йилнинг бошида тузилган контрактация шартномасида маҳсулотни қабул қилиб олгандан сўнг 5 кун давомида "Чортоқ туман бош пиллахонаси" очиқ турдаги акциядорлик жамияти томонидан пулини тўлаш кўрсатилган. Шартноманинг бешинчи бандида эса маҳсулот учун тўлов ўз вақтида амалга оширилмаса, пеня ва жарима ундириш миқдорлари белгиланган.

Пиллакорлар, қолаверса, хўжалик манфаатларини кўзлаб прокуратура асосий қарз, пеня ва жарималар билан биргаликда "Чортоқ туман бош пиллахонаси" очиқ турдаги акциядорлик жамиятидан Ҳамид Олимжон номли ширкат хўжалиги ҳисобига 5 миллион 535 минг 634 сўм, "Пешкўрғон" ширкат хўжалиги ҳисобига 10 миллион 302 минг 439 сўм, "Ўзбекистон" ширкат хўжалиги ҳисобига эса 8 миллион 338 минг 500 сўм ундириб бериш ҳақида Наманган вилояти хўжалик судига даъво аризаси киритди.

Масъул мансабдорларнинг масъулиятсизлиги ва муаммоларнинг занжирдай бир-бири билан боғланиб кетганлиги кишини ташвишлантиради. Вазият тумандаги бошқа хўжаликлар пиллакорларининг аҳволини ҳам таҳлил қилиб, зудлик билан чоралар кўришни талаб қилади. Чунки туман пиллахонаси раҳбарлари ҳам ўз навбатида Наманагандаги "Атлас" акционерлик жамиятига сотган маҳсулоти учун ўз вақтида ҳақини ололмай хуноб бўлишаётир. Намангандаги "Атлас" акционерлик жамияти ва "Чортоқ туман бош пиллахонаси" очиқ турдаги акциядорлик жамияти ўртасидаги 2002 йил 22 январда тузилган контрактация шартномаси талабларига ҳам амал қилинмагани шерикларнинг иқтисодий танг аҳволга тушиб қолишига сабаб бўлган. Прокуратура "Атлас" акционерлик жамиятидан "Чортоқ туман бош пиллахонаси" очиқ турдаги акциядорлик жамияти ҳисобига тўлов муддати ўтказиб юборилган 62 миллион 373 минг 808 сўм асосий қарз, маҳсулот ҳақини вақтида тўламаганлиги учун 21 миллион 207 минг 95 сўм пеня, 9 миллион 356 минг 71 сўм жаримани – жами 92 миллион 936 минг 974 сўм ундиришни сўраб вилоят хўжалик судига даъво аризаси киритди.

Иш ҳақларини ўз вақтида тўлашни таъминламаганлиги, муддати ўтиб кетган дебитор ва кредитор қарзлари борлигини ҳисоботлардан яширганлиги ҳамда уларни ундиришнинг қонуний чораларини кўрмаганликлари учун хўжаликлар, акционерлик жамиятлари масъул раҳбарларига нисбатан тегишли жазо чоралари қўлланилди.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 154-моддасида иш берувчи ўзининг молиявий аҳволидан қатъий назар ходимга бажарган иши учун белгиланган муддатда меҳнат ҳақи шартларга мувофиқ кўрсатилган муддатларда тўлаши шарт эканлиги белгилаб қўйилганлигини масъул мансабдорлар унутмаслиги лозим.

Тарихий манбаларда қайд этилишича, Фарғона водийси аҳолиси азал-азалдан ипак қуртини парваришлаб, пилла етиштириб, уни қайта ишлаб, ипакдан ранг-баранг, нафис гуллари бир-бири билан уйғунлашиб, нақшиндор жило берувчи турфа хил атласлар тўқиб донг таратган. Пилланинг ҳар толаси – шойи атлас онаси, деб куйлангани ҳам бежиз эмас. Мана ҳадемай пилла қурти боқиш мавсуми ҳам бошланади. Демак, шу соҳа жонкуярларининг меҳнатини қадрлаб, уларнинг иқтисодий муаммолари ечимларини тезкорлик билан топиш давр талабидир.

**Ёқубжон ЖАМОЛОВ,**
**Чортоқ тумани прокурори,**
**адлия маслаҳатчиси.**

# ТАҚВО

(Боши 1-бетда)

-Оламан-у, лекин ўз ҳақимни оламан. Қўлингиздаги гўшт икки кило. Яъни, ўн сўмга баҳоланади. Қолган беш сўми эса сизники. Менга бировнинг ҳақи керакмас. Шусиз ҳам мен онамга бировнинг ҳақини едира олмайман, бола-чақамга ҳам.

-Мен мингдан минг розиман. Бунинг устига гўштингиз суяксиз гўшт экан, - дедим янада жиддий тортиб.

-Жуда майда гап одам экансиз. Мен сизнинг ҳожатингизни чиқарай деган эдим. Майли, гўштни бу ёққа олинг. Ҳар қадамда қассоблик дўкони, бошқаларидан топарсиз, - деди қассоб.

Қарасам, бўлмайдиган. Беш сўмни қайтиб олдим-да, гўштни қўлтиққа уриб, "дом"га қараб "учдим". Борсам ҳангома авжида. Миртемир ака "Қаёқларда юрибсан?", деб сал ранжигандай бўлдилар. Бу вақт – шом билан хуфтоннинг оралиғи – тунталош пайти эди. Гўшт ҳам қозонга тушди. Шўрвамисан шўрва бўлди. Қани энди бу қайнатма шўрвага қотган нонни тўғраб, аввал шўрвасини, сўнг этини паққос туширадиган азамат топилса. Ваҳоланки, иккала меҳмоним ҳам мудом парҳезда юрар эдилар. Ҳар икки ҳазратнинг ошқозонлари сув келса симириб, бол келса сипқоришни кўтара олмасди.

Эртаси кун "дом"дан қишлоққа ўтилиб, бузрукларнинг шаъни-шавкатларига яраша дастурхонлар ёзилиб, боғлон қўзилар сўйилиб, қозонлар осилиб: тўқайдан бир эмас, икки тустовуқ, беш-олти бедана, тўрда тутиб келиниб, Мирзатўранинг чинакам тўралиги билинди...

Менинг ўй-хаёлим Одилжон қассобда эди. Сабаби қассоб деганда бир қўли қонда, бир қўли ҳамёнда ё тошдан, ё тарозидан уриб оладиган кишиларнигина тушунар эдик. Гўё бошқалар фариштаю, биргина қассоблар ҳамиша қон ва жон билан ўйнашадилар, деб ўйлар эдик. Ҳатто бу ҳақда:

**Уй айланиб яшар худбин, паҳлавон майдон айланиб,**

**Эр йигит қайтмас сўзидан кетса-да, замон айланиб.**

**Бирлар яшар ҳаром-ҳариш, чин туриб ёлғон айланиб,**

**Юқа-йўқсил, етим-есир мудомо армон айланиб.**

**Қассоб аҳли қон айланиб, судхўрлар ҳаён айланиб...** деб қоғоз қоралаган кезларимиз ҳам бўлган.

Хуллас, "катта бир ёзувчи" сифатида Одилжон қассобнинг ҳалиги одатини, ўзини, сифат-сийратини билишим, ўрганишим керак эди. Қассобнинг дам оладиган (одатда улар душанба кунлари дам олади) куни Одилжон қассобнинг оналарига бир кийимлик мато олиб, уйларига бордим. Қассоб уйларида экан. Истарамнинг "иссиқ"лиги панд бериб, гапимиз кўпам қовуша бермади. У қилиб-бу қилиб қассобнинг қўлтиғига кириб олдим. Оналарига ҳалиги бир кийимлик банорасни, "шундай ўғлингиз борлиги учун, шундай ўғилни покдамон қилиб тарбия қилганингиз учун", деб қўлларига узатдим. Одилжон аканинг онаси қўл очиб дуо қилдилар. Мени олқадилар. Одилжон ҳам очила тушди. Одамга ўхшаб гаплаша бошладик. Энди Одилжоннинг гапларини айнан келтираман:

-Савдо қилаётган эдим. Бир юпун киши беш кило гўшт тортинг, деди. Тортдим. Пул узатди. Олдим. Дўкондан сал нари кетиши билан берган пулини санадим. 30 сўм экан. Дарҳол дўконни ёпиб, излашга тушдим. Шу орада машинага миниб, жўнаб қолибди. Нима қилишимни билмай, турган жойимда тик турганча туриб қолавердим. Сўнг ортиқча берган беш сўмини тепага – пештахтани бир чеккасига қўйиб қўйдим. Яна бир айланиб келиб қолар, деб. Олиб бориб берай десам, на турар жойини биламан, на исмини. Орадан бир ойлар чамаси вақт ўтди. Ўша кишининг худди ўзлари ўша кийимда келиб қолди. Кўнглим равшан тортди. Сўнг ҳалиги пулини узатдим: "Ё билиб, ё билмай беш сўм ортиқча берган экансиз", дедим.

Бозорга борсам молни даллолсиз оламан. Мол эгаси билан келишаман. "Нега?", дейсизми? Аслида даллолчилик ҳам қўшмачиликдай бир гап. Ҳам сотувчидан уради, ҳам олувчидан. Олувчи таниш бўлса, сотувчини шилади. Сотувчи таниш бўлса, олувчини қақшатади. Ҳатто шундай даллоллар борки, ўз молини хотинига ушлатиб қўйиб, олувчига "Э, бу есир хотин, жўжа бирдай боласи бор, шўрликнинг", деб олувчининг раҳмини келтириб "эритади". Ё бир боласига ушлатиб қўйиб "Э, бу сағир бола, қийналиб қолиб бу молни сотаётир", деб олувчини авради. Шусиз ҳам мен жонликми, қорамолми бир қарашдан қанча юк қилишини биламан. Янглишган чоғимда бир-икки килограмм ё кам келади, ё ортиқча келади. Менга эса ўша олинган молни калла-почаси, териси фойдага қолади. Биласиз, калла-почанинг ўзи камбағалнинг қозонини икки-уч кун қайнатади. Бир улоқча сўйиб олгандай гап.

Гулистон кичкина бир шаҳарча бўлгани билан катта "Деҳқон бозори"дан бошқа тўрт-беш жойда бозорчалари бор. Одилжоннинг дўкони эса шаҳардаги жомеъ масжидининг шундай ёнидаги бозорчада жойлашган. Маҳалла бозори, деб ҳам айтадилар. Маҳалла бозорининг ўзида ҳам бешолтита қассобхона бор. Одилжондан бошқа қассобларнинг қўлларини олиш амри маҳол эди. Ҳаммасининг юқорида одами бор. Пишагини "пишт" деб кўринг-чи! Ўзингизни қаерда кўрар экансиз. Бирининг жияни шаҳар доруғаси. Бирининг куёви шаҳар ҳокимининг муовини. Бирининг онасининг эри эса вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғининг тунги хизматини қилади. Нозик масалалар билан шуғулланади... Ҳаммасининг уйлари Худоёрхоннинг ўрдасидай салобатли. Қўш қопқали дарвозаларини қоқишингиз билан эгаларидан олдин нақ эшакдай келадиган итлар овоз беради. Одилжоннинг уйи қадимда ўзимиз катта бўлган лой сувоқли кулбаларнинг бири.

У билан хайр-хушлашиб чойхонага кирдим. Чойхоначи Собир ака "бу ёқларга йўлингиз тушиб қолди, худо ёрлақаб", дегандай бўлди. Одам сийрак экан. Гаплашиб ўтирдик. Мен гап ўзанини Одилжонга қараб бурдим. Собиржон аканинг ҳам фикрини билмоқчи бўлдим:

-Биласиз, шу чойхонада ишлаганимга қирқ йил бўлиб боради, - деди у. – Шундан бери бундай тоза қассобни кўрмадим. Эшитмадим. Қори бобони биларсиз. Билмасангиз, таърифларини эшитган чиқарсиз? Бирлар қори бобо десалар, бирлар телпакчи чол, дер эдилар. Телпак, тумоқ, попоқ тикар эдилар. Кўклам келиши билан деҳқончилик билан шуғулланар эдилар. Мамлакатимиз мустақил бўлишидан олдинги – совет даврида ислом илмини бировга яширинча ўргатиш ман этилган эди. Ўша йиллар оқшомлари айрим кишилар - ёшлар, ўрта яшар одамлар у кишининг кулбаларига яширинча қатнаб, таълим олар эдилар. Аҳмадхон полковникни биларсиз? Вилоят ички ишлар бошқармасида хизмат қиладилар. Шу киши ҳам Қори бобонинг таълим-тарбиясини олганлардан. Қироат қилгудай бўлса тошни эритади. Бундан ташқари қори бободан таълим олган ёшлар қанчадан-қанча. Баъзи бирлари имомлик қилиш даражасига етган. Бирлари уламо. Қори бобонинг қайтиш қилганларига ўн йилча бўлиб қолди. Афсус, истиқлолни кўриш у кишига насиб қилмади. Ернинг устида эмас, тагида яшаб ўтиб кетдилар. Кимликларини билдирмай. У киши кароматгўй эдилар. У кишининг дуосини олган киши кам бўлган эмас. Дилларига озор берганларнинг ҳали-ҳамон косалари оқарган эмас. Ўғилларини балким биларсиз. Бирини Абдулҳамид мақсум дейди. Яна бири – Исмоил мақсум. Билганларига амал қиладилар. Оталарига ўхшаб ёз бўйи деҳқончилик қилишади. Куз охирлаб, қиш тушиши билан телпак тикишга ўтадилар. Бошқа ерни билмадиму, Гулистонда эл таниган иккита тақводор бор. Бири Қори бобо. Бири Одилжон қассоб. Уламо билан тақводорнинг фарқини биларсиз. Тақводор уламо бўла олади. Уламонинг эса тақводор бўлиши қийин.

Гап шу ерга етганида мен ўз мақсадимга етгандай бўлдим. Қори бобонинг ҳам икки-уч марта суҳбатларидан баҳраманд бўлганим бор. Энг сўнгги кўриб, кўришганимда Қори бобо бетоб эдилар. Кулбаларида бир ярим соатлар чамаси суҳбат қуриб ўтирдик. Шу озгина фурсат ичида у кишининг ҳаққа етиб қолганликларини бир қадар сезган эдим. Дунёнинг қаердан бошланиб, қайга бориб тўхташини билгандай бўлгандим. У кишидан фойдалана олмаганимга армонлар қилган эдим.

Бир вақт келиб, Миртемир оғамларга Худойберди ака билан "дом"да бўлганларини, менинг бир-икки соат йўқ бўлиб кетганимнинг сабабини эслатдим. Устознинг ҳам хотираларида турган экан. Сўнг Одилжоннинг ҳалиги фазилатларини сўйлаб бердим. Онадан гап очилса, Миртемир оға қизиқ бир ҳолатга тушар эдилар. Бунинг сабабини миртемиршунослар яхши билишади. Устоз одатлари бўйича бир муддат ўйга толиб, қўллари билан ҳавога нималарнидир қоралаб сўнг дедилар:

-Менинг учун алоҳида бориб Одилжонга салом айт. Кошки эди ҳамманинг ҳам фарзанди Одилжондай бўлса эди. Одилжон, менимча, икки дунё саодатига эришиб бўлибди. Дунё яхшилардан ҳоли бўлмаган. Бўлмайди ҳам. Ё шаҳри азимда яша, ё тоғи Қўҳиқофда, деб бекорга айтмаган.

-Чўли Маликда яшаб бўлмас эканми, - дедим домланинг гапларини бўлиб, ҳаддим сиғиб. Менинг нима демоқчи бўлганимни билиб, эҳ-а-а, дедилар-да, гапларида давом этдилар:

-Макка билан Мадина ҳам аслида... Чўли Малик ҳисобланади. На дарахт, на сув бор. Ахир ўша сен айтаётган Одилжон ҳам Чўли Маликнинг ҳозирги замон Моликларидан. Одамни одам билиб бўлмайди. Ҳали орамизда яхшилар кўп. Одилжонга ўхшаган. Имконинг борича у киши билан борди-келди қил. Қўлингдан келганича хизматларида бўл. Менинг дил-дилдан бўлган эзгу ниятларимни айта бор. Қассобларнинг атрофларида айланадиган ўлакса пашша кўп бўлишини биларсан. Имкон қадар хабардор бўлиб тур. Ахир сен ҳам бир вилоятнинг тўраларидансан. Вақти келганда тўралигингни кўрсатиб қўй.

Орадан анча вақт ўтган бўлса-да, атоқли шоиримизнинг бу гаплари мен учун дастуруламал бўлиб келмоқда.

**Тўра СУЛАЙМОН,**
**Ўзбекистон халқ шоири.**

# "АЙТСАМ АДО БЎЛМАС ДОСТОНЛАРИНГ БОР..."

(Боши 1-бетда)

Ўзбекларни Афғонистон билан нафақат тарих, тил, дин ёки маданият, балки энг аввало Амударё бирлаштириб туради. 1946 йили шўролар ҳукумати билан Афғонистон Амударё сувларидан биргаликда фойдаланиш тўғрисида шартнома тузган эдилар. Ушбу шартнома 1965 йили яна 10 йилга узайтирилганди.

Шу муносабат билан бир гуруҳ ўзбек ирригаторлари 1972 йилда Жалолобод канали, Панж, Жилға ва Қобул дарёларини чўлга буриш учун Афғонистонга келдик. Бу ерда қурилиши бошланган Сарде сув омбори Жилға дарёси, аниқроғи Афғон – Покистон чегараларига туташиб кетган бўлиб денгиз сатҳидан 2200 метр баландликда барпо этиларди. У ишга тушгач, 32 минг гектар ерни суғориш имконияти туғиларди. Қурилишнинг умумий ҳажми 300 миллион сўмга (1975 йил баҳори) мўлжалланган. Биз шартномага кўра бу ерда 4 йил ишладик. Афғонистон ҳукумати ва шўро сув хўжалиги вазири бизни фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалар билан тақдирлади".

Умид Сафоев муҳандис сифатида шу тарзда сув омбори қурилиши билан боғлиқ воқеаларни келтириб ўтгач, хотираларида Ғазна шаҳридаги Беруний қабрини зиёрат қилгани тўғрисида ҳам тўхталади.

"1973 йил сентябр ойида Абу Райҳон Беруний таваллудининг 1000 йиллик тўйи кунида Қобулдаги шўро элчихонаси ходимлари раҳбарлигида Ғазна шаҳрига бориб буюк бобомиз қабрини изладик. Бизга иккита қабрни кўрсатишди. Бири кичикроқ, яна бирига мармар лавҳа ўрнатилган: "Беруний Абу Райҳон Хоразмий, 362-443 ҳижрий" деган ёзувга кўзимиз тушди. Қабристон гумбазли мақбара бўлиб, унинг атрофи шоли даласи эди.

Иккинчи қабрда алломанинг қариндошларидан ёки шогирдларидан бирга бўлса керак, деб айтишди. Маҳаллий маъмурларнинг рухсати билан биз Ал-Берунийнинг қабрини фотосуратга олдик. Эртаси куни Қобул дорилфунунида аллома таваллудининг 1000 йиллигига бағишланган илмий анжуман бўлди. Анжуманда форс, афғон, турк олимлари маъруза билан чиқдилар. Камина араб ва форс тилини билмас эдим. Турк олими, профессор Иброҳим Огоҳ Чубукчунинг "Турк ислом мутафаккирларидан бири Абу Райҳон Ал Беруний" деб номланган маърузаси менда катта таассурот қолдирди.

Олим ўз маърузаларида Беруний ҳақида сўзлаб, алломанинг ижтимоий-сиёсий йўлда қилган айрим таклиф ва мулоҳазаларини келтирди:

а) нарса ва тарихий ҳодисаларга ҳурфикрлилик билан бетараф муомалада бўлиш;

б) бўш ва асоссиз фикрларга боғланиб қолмаслик, етарли далиллар бўлмаган ҳолда хулоса чиқармаслик;

в) айрим қизғанчиқ, бахил одамлар бир-бирларининг қўлларидаги нарсаларга кўз олайтирадилар ва натижада ижтимоий беҳузурлик келиб чиқади;

г) ўз қабила, мазҳабини бошқалардан устун қўйиш инсонлар орасига нифоқ солади.

Бир неча аср бурун айтилган бу мулоҳазалар ҳозирда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Турк профессори Иброҳим Чубукчу айтганидек, Беруний ҳақиқатан`ҳам инсон қобилияти, ирода ва ақл кучининг аҳамиятини чуқур англаган мутафаккирдир.

Минг афсуслар бўлсинки, алломанинг қабри шўро-афғон уруши даврида дайди снаряд тушишдан вайрон бўлган".

Марҳум муҳандис Умид Сафоевнинг ён дафтарчадаги хотираси шулардан иборат. У кишининг оила аъзолари айтишича, марҳум олим Беруний қабрининг обод қилиниши, ҳоки ватанига келтирилишини орзу қилган экан.

Тадқиқотчининг армонини Бобур номидаги Халқаро жамғарма раҳбари Зокиржон Машрабов бошлиқ илмий экспедиция аъзолари уддаладилар. Улар ҳам Афғон диёрида бўлиб, Ғазнадаги Беруний қабрини зиёрат қилиб, ҳоки пойини аллома туғилган масканга келтирди.

**Умид БЕКМУҲАММАД,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**




Т.МАҲКАМОВ олган сурат.

Исроиллик Изроэль Гербер 1962 йилдан банкнот йиғишни бошлаган эди. Ҳозир унинг коллекциясида 215 мамлакатнинг қоғоз ва танга пуллари бор. 400 киши унинг учун қоғоз пуллар коллекцияси йиғиш билан шуғулланади.

## ТУРФА ОЛАМ

Американлик коллекциячи Хью Хинс 60.000 га яқин ҳар хил чироқлар тўплаган. Бу иш билан у болаликдан шуғулланиб келган эди. Хинс коллекциясида дунёда энг катта чироқ ҳам бор. Бу чироқнинг баландлиги 1,2 метрни ташкил этади.

* * *

Британиялик Тони Наттия эринмасдан 1959 йилда чиқарилган барби қўғирчоқларининг ҳамма моделини тўплаган. У ойида бир марта қўғирчоқларини тартибга келтиради ва сочларини турмаклайди. Қўғирчоқлар шу қадар кўплигидан бу иш учун унинг анча-мунча вақт сарфлашига тўғри келади.

**Жаҳонгир ДОЛИЕВ тайёрлади.**

## БИЛИБ ҚЎЙГАН ЯХШИ

### ҚЎТИРДАН ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ

***Қўтир – бемор одамдан, шунингдек, касал ҳайвонлардан юқиши мумкин бўлган касалликдир.***

Қўтир касаллигини пайдо қиладиган канани оддий кўз билан кўриб бўлмайди. Қўтир канаси урғочиси терига зимдан тушиб, терининг мугуз қаватига ўтади ва у ерда қўтир йўлларини ҳосил қилади. Бу ерда каналар 20 тадан 50 тага қадар тухум қўяди. Каналар орадан 2-3 ҳафта ўтгач, вояга етади. Улар ташқарига чиқиб, терининг бошқа соҳаларига ўрнашиб олади.

Катта ёшли одамларда каналар кўпинча бармоқлар орасидаги терини, панжанинг ички юзасини, кўкрак, қорин, бел, соннинг ички юзасини зарарлайди. Болаларда каналар уларнинг кафтида, товон ва оёқ тагининг ички чеккаларида, юзда, бошнинг сочли қисмига ўрнашиб олади.

Касаллик юққандан сўнг 7-10 кун ўтгач, тери қаттиқ қичишади. Бемор қаттиқ қичинади ва шу жойдан йиринг пайдо қиладиган микроблар ўтади. Оқибатда йирингчалар ва ярачалар пайдо бўлади. Бемор тезда врачга мурожаат қилса, қўтирни бир неча кунда йўқотиш мумкин.

### ОДАМНИНГ ҚОВОҒИ НЕГА УЧАДИ?

***Кўзни юмишда иштирок этадиган юмалоқ мускул ва қовоқни юқорига кўтарадиган мускул қовоқларнинг ҳаракатланишига ёрдам беради.***

Одам қаттиқ зўриққанда, ҳаяжонланганда, чарчаганда соппа-соғ кишининг бир ёки бир неча мускул толалари қисқариши ва қовоқ учиши мумкин.

Қовоқ учиши кишининг ғашига тегади. Одатда қовоқ учиши тез тўхтайди, бунда, айниқса, хона ҳароратидаги сувга пахтани ёки сочиқни хўллаб, қовоқ ва юзнинг ҳамма ёғи артилса, қовоқ учиши тезроқ тўхтайди. Агар қовоқ тез-тез учаверса, сув муолажаси ёрдам бермаса, кўз докторига учрашиб, бунинг сабабини аниқлаш зарур. Кўз доктори синчиклаб текширгандан сўнг, зарур бўлса беморни неврапатологга ёки бошқа мутахассисга юборади.

**Х.МАҲАМОВА тайёрлади.**

## СПОРТ ОЛАМИДА

### ҒАЛАБА КЕЛТИРГАН ЯГОНА ГОЛ

***Футбол бўйича олий лига жамоалари ўртасида ўтказилган мамлакат XII миллий чемпионатининг 6-тур беллашувлари муросасиз баҳсларга бой кечди.***

Бўлиб ўтган 7 учрашувнинг 4 тасида 1:0 ҳисоби, 1 тасида 2:1 ҳисоби қайд этилиб, жамоалар ғалаба учун астойдил кураш олиб боришди. Мамлакатимизнинг етакчи жамоалари сафидан ўрин олаётган Зарафшоннинг "Қизилқум" жамоасига бу сафар ҳам ғалаба қозониш осон кечмади. Ўз майдонида "Андижон"га қарши тўп сурган зарафшонликлар шиддатли ҳужумлар уюштириб, меҳмонлар дарвозасига атиги биттагина гол йўллай олишди. Алишер Ҳолиқов томонидан йўлланган аниқ зарба "Қизилқум"га муҳим уч очкони ҳадя этди.



Ушбу турда сафарда ўйнашларига қарамай Юрий Саркисян етакчилигидаги "Нефтчи" жамоаси футболчилари яна мухлисларини қувонтиришди. "Цементчи" дарвозасига Анвар Бердиев томонидан киритилган ягона гол сабаб, фарғоналиклар ҳозирча турнир жадвалида ягона пешқадам бўлиб олишди.

Қолган баҳсларда қуйидаги натижалар қайд этилди. "Машъал" – "Насаф" 0:0, "Металлург" – "Бухоро" 3:1, "Гулистон" – "Қўқон-1912" 1:0, "Дўстлик" – "Навбаҳор" 1:0, "Сурхон" – "Самарқанд-Динамо" 2:1. Мамлакат миллий чемпионатининг навбатдаги 7-тур учрашувлари 10 май куни ўтказилади.

### ҲУЖУМЛАР САМАРАСИ

***Тошкентда ўтказилган Осиё чемпионлар лигаси ярим финал баҳсларида "Бек Теро" билан куч синашиб омадсизликка учраган "Пахтакор" жамоаси футболчилари эндиликда бор куч ва имкониятларини мамлакат кубоги ҳамда миллий чемпионат баҳсларига қаратишлари табиий ҳол.***

Ўтган ҳафтанинг жума куни "Пахтакор" марказий ўйингоҳида мамлакатимизнинг етакчи жамоаси ҳамда Жиззахнинг "Сўғдиёна" жамоалари ўртасида уюштирилган Ўзбекистон кубогининг чорак финал учрашуви юқоридаги фикримизни яққол исботлайди. Чунки шу куни комбинацияларга бой ўйин намойиш этган майдон эгалари меҳмонлар дарвозасини уч марта аниқ нишонга ола билишди. Меҳмонлар футболчиси Дўрмонов йўллаган ягона жавоб тўпи ҳисоб орасидаги фарқни бироз қисқартирди, холос. Шуни айтиш жоизки, "Бек Теро"га қарши кечган ўйинда нимагадир майдонга туширилмаган ҳужумчи Жаъфар Ирисметов шу куни ишончли ҳаракат қилиб, рақиб дарвозабонини икки марта хато қилишга мажбур этди. Тошкентликларнинг сермаҳсул ярим ҳимоячиси Анвар Солиев эса "Пахтакор" – "Сўғдиёна" ўртасидаги чорак финал баҳсининг 3:1 ҳисобида якунланишини таъминлади.

### ТЕМУР – ПЕШҚАДАМ

***Фарғона шаҳрида 16 ёшли ўсмирлар ўртасида давом этаётган ФИДЕ таснифидаги Осиё чемпионати баҳслари мамлакатимиз вакилларига омад келтирди.***

Чунки аввал хабар қилганимиздек, якка тартибдаги баҳсларда (эркаклар ўртасида) кучли олтиликни банд этаётган шоҳмотчиларнинг уч нафари ҳамюртларимиздир. Шу кунгача ўтказилган турнир натижаларига кўра, Темур Гарриев 3,5 очко тўплаб ҳозирча якка пешқадамликни қўлга олди.

### НАМАНГАНДА МИНИ-ФУТБОЛ

***Яқинда Наманган вилоятида солиқ идоралари жамоалари ўртасида мини-футбол мусобақаси ўтказилди.***

Унда Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда вилоятлардан ташриф буюрган жамоалар ғолиблик учун ўзаро кураш олиб боришди. Турнир чемпионлиги учун кураш Наманган вилояти ҳамда Тошкент шаҳри жамоалари ўртасида кечди. Қизиқарли ўтган финал баҳсида ғолибни асосий вақтда белгилашнинг имкони бўлмади. Дарвозалар томон белгиланган пенальтилар сериясида тошкентликлардан кўра аниқроқ ҳаракат қилган майдон эгалари турнир чемпиони деб эътироф этилди. Иккинчи ва учинчи ўринлар Тошкент шаҳри ҳамда Андижон вилояти солиқчиларига насиб этди.

**Имомали УЛФАТОВ тайёрлади.**

# КЕЛАЖАККА ЙЎЛ

(Боши 1-бетда)

Ўқув юртига қарашли, майдони 61 гектардан иборат ўқув хўжалиги бор. У ерда пахта, бошоқли дон, маккажўхори, беда экинларидан юқори ҳосил олинмоқда. Кўрилган даромад ўқув юрти ўқитувчи ва ишчи-хизматчиларини ижтимоий ҳимоялаш, моддий-техника базасини мустаҳкамлашга сарфланади. Ошхонадаги овқатларнинг арзонлиги ҳам ана шу фойда ҳисобидан. Шунингдек, аълочи талабалардан 42 нафарига стипендия жорий этилган.

Билим даргоҳи директори, БМТ қошидаги халқаро иқтисодиёт академиясининг фахрий фан доктори Ҳ.Аҳмадалиев жорий йилимизда амалга оширилган ва режалаштирилаётган ишлар хусусида шундай дейди:

-Шу кунларда Фарғона водийсидан ташқари республикамизнинг деярли барча вилоятларидан келиб таҳсил олаётган талабаларимиз бор. Бу йилги бош шиоримиз – ўзимиз ишлаётган, талаба ўғил-қизларимиз таҳсил олаётган илм даргоҳини янада ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришдир. Йил бошидан буён ўнлаб байрам тадбирлари, мушоиралар, спорт беллашувлари, шоир-ёзувчилар ва меҳнат илғорлари билан учрашувлар ўтказдик. Наврўз байрамида 250 минг сўмлик пул мукофотлари, қимматбаҳо совғалар аълочи талабалар, илғор ўқитувчилар, нафақадаги меҳнат фахрийларига берилди.

Ўтган йил ноябрида Миазаки шаҳрига Япониядаги қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежларидаги ўқув тизими билан танишиб малака ошириш учун бордик. Ўқув юртимизда водий бўйича қишлоқ хўжалиги соҳасининг муҳандис-педагогларини Японияга малака оширишга юбориш учун марказ очиляпти. Май ойида биринчи гуруҳнинг ўқишлари бошланади. Шу ойда агрономия фани ўқитувчиларидан Т.Бўтабоев ва И.Иброҳимовларни Японияга тажриба ўрганиш учун юборяпмиз. 2003-2004 ўқув йили бошланишидан аввал коллежимизга Япониядан 1 миллион АҚШ доллари қийматидаги ўқув жиҳозлари, техника воситалари жўнатилади. Япония кредит маблағи ҳисобига ўқув хўжалигимизда талабаларнинг амалий машғулот ўтказишлари учун автотрантродром, чорвачилик фермаси қуриш ҳам бу йилги режамизда бор.

Хуллас, қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежининг келажаги янада порлоқ бўлишига шубҳамиз йўқ.

**Жаҳонгир ХОЛИҚОВ**

## "ВАЪДАНГИЗНИ БАЖАРИНГ, ДАДАСИ..."

РИВОЯТ

***Қадимда бир-бирига жуда меҳрибон эр-хотин яшаган экан. Бир куни эр хотинига меҳр билан термулиб:***

***-Хотин, сенинг ўлимингни кўришга юрагим дош беролмайди. Шунинг учун сендан аввал ўлишни худодан тилайман, - дебди.***

-Йўқ, олдин мен ўлай, чунки мен бу ёруғ оламда сизсиз бир дақиқа ҳам яшолмайман, - дебди хотини кўзларига ёш олиб.

Уларнинг бу суҳбатини қўшниси тасодифан эшитиб қолибди. "Бир синаб кўрай-чи, меҳрибон эр-хотиннинг сўзлари ростми-ёлғонми", дебди. Шундан сўнг у юзига ниқоб тутиб, қўлига қурол олган қўйи эр-хотинни уйига бостириб кирибди.

-Кимсиз? – қалтираган овоз билан сўради эр.

-Жон ўғрисиман! – жавоб берибди қўшни. – Ҳозир икковингиздан бирингизни ўлдиришим керак!..

-Йўқ! Мени эмас, - дебди қўрқувдан дағ-дағ титраётган эр-хотин бараварига.

-Яхшиси, сенинг жонинингни оламан! – дея эрига юзланибди "ўғри".

-Бор будимни ол, лекин мени ўлдирма! – дебди у ҳовлиқиб.

-Унда хотинингни жонини оламан, - деб хотинига томон қуролини ўқталибди у.

-Йўқ, йўқ... Эй, Худо! Мен яшашни истайман. Мени ўлдирма, - деб илтижо қилибди хотин ҳам. Сўнгра эрига юзланибди. - Дадаси, ахир ўзингиз сендан олдин ўлсам, дея айтувдингиз. Қани, энди ваъдангизнинг устидан чиқинг!

-Нима?! Сен ҳали менинг ўлимимни кутаётувдингми, ярамас?! – дея дарғазаб қиёфада бақирибди эр.

Шундан сўнг улар ўзаро жанжаллашиб кетишибди. Ўғри қиёфасидаги одам даъфатан қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборибди.

-Ҳали сизларми, бир-бирига меҳрибон эр-хотин? – дебди у заҳарханда оҳангда. – Ҳар кимнинг жони ўзига ширин. Билингки, мен ўғри ҳам, жон олгувчи ҳам эмас, қўшнингиз бўламан. Сизларнинг бояги суҳбатингизни тасодифан эшитиб қолиб, бир синамоқчи эдим, холос. Мана натижасини кўрдим. Сизлар бир-бирингизни тил учида яхши кўрасизлар, бу эса риёкорликдан ўзга нарса эмас.

Шундай деб, қўшни одам чиқиб кетибди. "Меҳрибон" эр-хотин эса бир-бирига анграйганча қотиб қолишибди.

**Ширин БАҲРОМОВА**

Тошкент вилояти Паркент туманидаги С.Раҳматуллаев номли 10-ўрта мактаб томонидан 1992 йили Абдухолиқов Фахриддин Абдусаматович номига берилган R-134312 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент шаҳар Чилонзор тумани ички ишлар бошқармаси томонидан тадбиркор "Alimov Sa'dullo Shukurovich" номига берилган думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент халқ хўжалиги институти томонидан 1990 йили Саломов Фазлиддин Ибодуллаевич номига берилган Ув-1 № 082686 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

"Ўзпахтасаноат" уюшмаси жамоаси уюшма фахрийси Қодир Ярқуловга турмуш ўртоғи
**Санобар ЯРҚУЛОВА**нинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

"Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг" компанияси жамоаси "Наманганвино" ОАЖ раисининг биринчи ўринбосари
**Одилхон ТОЖИБОЕВ**нинг
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик билдиради.

Бош муҳаррир
**ЎТКИР РАҲМАТ**

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:** Саид АҲМАД, Ағитай АДИЛОВ, Комилжон МАМАЖОНОВ, Суннат САЙДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Ғафур ШЕРМУҲАММАД (масъул котиб), Озод ШАРОФИДДИНОВ.

**МУАССИСЛАР:** Ўзбекистон Республикаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар

**ТЕЛЕФОНЛАР:** Қабулхона – 136-58-83, 133-09-93 (факс), 133-40-87 (факс), бош муҳаррир ўринбосарлари – 133-16-27, 133-44-43, котибият - 136-56-30. Ижодий гуруҳлар: 136-54-44, 136-56-21, 136-56-25, 136-54-42.

**ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:** Қорақалпоғистон Республикаси – 8-361-58-512-17; Андижон – 8-374-2-25-32-23; Бухоро – 8-365-22-648-22; Жиззах – 8-372-22-648-72; Навоий – 8-436-22-588-56; Наманган - 8 - 369-43-311-81; Фарғона – 8-373-61-221-97; Самарқанд - 8-366-233-00-52; Сурхондарё – 8-376-46-526-61; Сирдарё – 8-367-225-41-73; Тошкент – 8-371-136-56-21; Хоразм – 8-362-22-623-50; Қашқадарё – 8-375-22-517-65.

Реклама ва эълонлар бўлими телефони: 133-44-43, 136-58-83.

**МАНЗИЛИМИЗ:** 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар

Навбатчи: Д.ҚИРҒИЗБОЕВ

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси томонидан 2002 йил 18 февралда № 00694-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Газета сешанба, пайшанба, жума кунлари чиқади.

E-mail: kishlokhayoti@yahoo.com

Буюртма Г-288, ҳажми 2 босма табоқ

Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

Босишга топшириш вақти: 21.00. Босишга топширилди: 21.00 Адади 18 236

Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 5 6